

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 227 (11.288)

Баҳоси эркин нархда

2008 йил, 19 ноябрь, ЧОРШАНБА

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

● Расмий ташир билан мамлакатимизга келган Малайзия Бош вазири Абдулла бин Хожи Ахмад Бадавий 18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрида бўлди.

● Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида «Конституция ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Тошкент вилояти минтақавий вакили, вилоят адлия бошқармаси ва прокуратураси ходимлари иштирок этишди.

● Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Нукус шаҳрида китоб ярмаркаси ташкил этилди.

● Сурхондарё вилояти «Камалак» болалар ташкилоти томонидан таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган русийзабон ўқувчилар ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида иншолар танлови ўтказилди.

● Мевалар ва узумларни қайта ишлашга ихтисослашган Сароисий туманидаги «Саховат» МЧЖ негизда янги Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси очилди. Москвадаги «Восток Инвест» МЧЖ билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхонада 20 та иш ўринлари очилди.

● Хатирчи туманида «Энг намунали ёш оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тумандаги 67 та маҳалла фуқаролар йиғинидан дастлабки танловда ғолиб бўлган ўн нафар ёш оила иштирок этди.

● Қўқондаги Маъмуржон Узоқов номли маданият ва истироҳат боғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда шаҳардаги 62 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 692 та иш ўринлари билан қатнашди. Шу куни 69 нафар фуқарога ишга йўналдирилган берилди, 123 нафар фуқаро малакали ҳуқуқшунослар ва мутахассисларнинг меҳнат қончилигига оид масалаҳатларини олди.

● Марғилон шаҳридаги Гўраввал маҳалла фуқаролар йиғинида Япония гранти ёрдамида ташкил этилган «Зиё-зиёд» ёшлар ўқув маркази иш бошлади. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган ушбу масканда ёшлар тикувчилик, сартарошлик, пазандлик, ҳамширалик, компьютер ўқуви каби бешта йўналиш бўйича хунар ўрганадилар.

● «Ёшлар йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида Ургут туманида туман ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши остида саккизта кам таъминланган оилаларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди.

● Бугун Россия ва Кипр Президентлари ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятларини муҳокама қиладилар.

● Бугун Миср Президенти расмий ташир билан Бирлашган Араб Амирликларига келди.

● АКШнинг «Индевор» космик кемаси астронавтарни биринчи бор очик фазога чиқиб белгиланган асосий вазифаларининг барчасини бажаришга муваффақ бўлдилар. Режага кўра «Индевор» астронавтарни яна уч марта очик коинотга чиқишлари керак бўлади.

● Хорватия ҳукумати Сербия устидан БМТ Халқаро судига 1992-1995 йилларда бўлиб ўтган Болкон урушлари даврида этник тозалаш ишлари юзасидан даъво хати берди. Ушбу иш БМТ Олий суди томонидан кўриб чиқиладиган бўлди.

● Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) маълумотига қараганда, жаҳонда юз берган иқтисодий инқироз туфайли жорий йилда нефтга бўлган талаб анча камайган. Гап шундаки, йил бошида ташкилот томонидан 2008 йилда нефтга бўлган эҳтиёж кунига 590 минг баррелгача ошиши тахмин қилинган. Бироқ айтилган пайтдаги бу борадаги кўрсаткич 290 минг баррелли ташкил этмокда.

● Россиянинг Самара областида иккита кўп қаватли турар жой биносида ёнгин чиқиши натижасида бинодагилар зудлик билан хавфсиз жойга кўчирилди. Ҳозирча ёнгин сабаблари аниқланган эмас.

● Кеҗа жаҳон биржаларида ўтказилган савдолар натижасида нефтнинг нархи сезиларли даражада пасайди. Жумладан, Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефть нархи 51,84 доллар миқдоридан қайт этилган бўлса, Нью-Йоркда 54,39 долларлик қиймати ташкил этди.

● Франциянинг жанубида Испания ва Франция ҳудудида истиқомат қилувчи баскларнинг алоҳида давлатини тузиш ниятида бўлган ЭТА айирмачилари гуруҳи етакчиси Микель Галикоц Аспиазу кўлга олинди. Узоқ вақтдан буён қидирувда бўлган ушбу шахс ЭТАнинг жанговар партиясини бошқарган, Франция ва Испания ҳудудида ушатирилган террорчилик ҳаракатларини ташкиллаштирган.

● Покистон Халқаро валюта жамғармаси билан 7,6 миллиард АҚШ доллари миқдоридан кредит олиш юзасидан келишувга эришди. Кредит маблағлари 23 ой муддатда ажратилади ва мамлакатда кузатилаётган иқтисодий инқирозга барҳам бериш учун марказий банк валюта захираларини кўпайтириш ҳамда бошқа мақсадларга йўналтирилади.

**ЖАҲОНДА**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**БУГУНИ КУНДА РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН МАМЛАКАТИМИЗ МЕБЕЛЬ САНОАТИ ХУСУСИДА СЎЗ КЕТАНДА АЛБАТТА БУ БОРАДА ЎЗИНИНГ АЛОҲИДА НУФУЗИГА ЭГА БЎЛГАН ВА РАҚОБАТБАРДОШ МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМ ИЧКИ, ҲАМ ТАШКИ БОЗОРДА ХАРИДОРЛАРИГА ЭГА БЎЛИШ МУНОСИБИ ЎРИН ТОПГАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ФАЙЗ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШГА АРСИЙДИ.**


### Иқтисодиёт СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК МУЖАССАМ

Ушбу компания корхоналарида тайёрланаётган ранг-баранг мебель турлари ва бошқа маҳсулотлар хонадонлару кўплаб идора-ташкilotлар, муассасалар кўркини таъминлаётгани, харидор диди ва талабига мослиги ҳеч кимга сир эмас. Мебель ишлаб чиқариш, ёғочни қайта ишлаш, бутловчи қисмлар тайёрлашга ихтисослашган мазкур корхона мамлакатимиздагина эмас, балки Марказий Осиё, хаттоки кўплаб хорижий турдош корхоналар орасида ўз нуфузига эгаллиги қувонарлидир, албатта. Шубҳасиз, бу борада, Истиклол туфайли юртимизда тadbиркорликка қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик, қўллаб-қувватлашлар муҳим аҳамият касб этмокда.

1997 йилда хорижий инвестициялар асосида Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра ташкил этилган «Файз» холдинг компанияси таркибига бугунги кунда 21 та корхона кирган бўлиб, улардан 8 таси хорижий шериклар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналардир. Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур қўшма корхоналар томонидан жорий йилнинг ўтган ярмида 5090,4

миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган.

Компания корхоналаридан энг йириги «Файз» очик акциядорлик жамияти қўшма корхонаси кўри-нишидаги бош корхона ҳисобланади, унинг 30 йиллик фаолияти давомида ички ҳамда ташқи бозорда маҳсулотлари билан харидорларини топан. Компания корхоналарида бугунги кунда 1000 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, юксак умумий замонавий технологиялардан фой-



миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган.

Компания корхоналаридан энг йириги «Файз» очик акциядорлик жамияти қўшма корхонаси кўри-нишидаги бош корхона ҳисобланади, унинг 30 йиллик фаолияти давомида ички ҳамда ташқи бозорда маҳсулотлари билан харидорларини топан. Компания корхоналарида бугунги кунда 1000 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, юксак умумий замонавий технологиялардан фой-

миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган.

Компания корхоналаридан энг йириги «Файз» очик акциядорлик жамияти қўшма корхонаси кўри-нишидаги бош корхона ҳисобланади, унинг 30 йиллик фаолияти давомида ички ҳамда ташқи бозорда маҳсулотлари билан харидорларини топан. Компания корхоналарида бугунги кунда 1000 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, юксак умумий замонавий технологиялардан фой-

### 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси КУНИ

## ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 63-модда)

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ, БИЛИМЛИ ВА СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Истиклолнинг дастлабки йилларидаюқ бу вазифани амалга ошириш, аввало, оила институтини ҳар томонлама ривожлантириш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш каби долзарб масалаларни ҳал этишдан бошланди. Оиланинг ижтимоий мақоми Бош

### Қасқа сатрларда

● **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида 2-талабалар турар жойида ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва тиббий кўрикма ҳосил қилиш мақсадида шифокорлар билан учрашув ташкил этилди.

● **БУГУН** Ҳамза машина-насослар маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ахборот ресурс марказида бетакор мусавир Беньков хотирасига бағишлаб «Юлдузли оилар» мавзусида ўтказилган адабий кеча Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **КЕҶА** Республика Маънавият тарғибот марказида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Байроғимиз — фахримиз, гуруримиз» деб номланди.

● **КЕҶА** Республика Фавкулдада вазиятлар вазирилари уюштирилган тадбир ходимларнинг тақдир ва стратегия йўналишидаги маънавий иштироки масалаларига бағишланди.

● **КЕҶА** шаҳримизда XX аср бошларидаги ўзбек матбаачилиги тарихига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди.

● **КЕҶА** шаҳримизда педиатр шифокорлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман болалар ва ўсимирлар саломатлигини асрашнинг аҳамиятига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДДАНИЙ ҲАЁТИГА БАҲИШЛАНГАН МАҚОЛАЛАР ЧОП ЭТИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Жумладан, «Хиндистон-МДХ» савдо-саноат палатасининг нашри бўлган «India-CIS» журналининг навбатдаги сонида Ўзбекистонга алоҳида эътибор қаратилган. Нашрда жорий йил 16-17 сентябрь кунлари Деҳлида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Хиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг 8-йиғилиши ҳақида маълумот берилган. Журналхонлар эътиборига икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар ҳамда мамлакатимизнинг савдо ва сармовий салоҳияти ҳақидаги ахборотлар ҳавола этилган.

«India-CIS» журнали Хиндистон бизнес доиралари вакилларига мўлжалланган бўлиб, уларни МДХ мамлакатларининг иқтисодий ҳаёти билан таништириш, тadbиркорлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрнатилиш ва ривожлантиришга кўмаклашди.

Хиндистоннинг яна бир нуфузли нашри - «Political Events» ҳафтанома «Ўзбекистоннинг Орол денгизи захираларини тежаш борасидаги саяё-ҳаракатлари» деб номланган мақолани эълон қилди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон Орол денгизи минтақасидаги аҳолини яхшилаш бўйича муҳим тadbирларни қабул қилган бўлиб, улар сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежаш технологияларини кенг жорий этиш, Орол денгизи минтақаси экологиясини асраш, минтақа аҳолисини ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш, халқаро ёрдамни жалб қилиш каби чоралардан иборат.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий баҳқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида:

1. Куйидагилар белгилансин:
  - 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этади;
  - фаолият юритаётган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг устав жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шарт.
  - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўзларининг устав жамғармаларини мазкур Фармонда белгиланган миқдоргача кўпайтира олмайдиган акциядорлик жамиятлари ўртасида уларни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайтадан ташкил этиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бурсин.
  - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Банклар уюшмасининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида куйидагиларни назарда тутувчи тақлифларни қабул қилинсин:
    - банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотиш;
    - банклар томонидан банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайтадан жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш;
    - кейинчалик корхоналарни стратегик инвесторларга бозор қийматида сотиш.
  - Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) иловага мувофиқ таркибда тузилсин.
    - Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳамда ваколатлари этиб белгилансин:
      - аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига сотилиши лозим бўлган банкрот корхоналар рўйхатини аниқлаш;
      - банклар томонидан корхоналарни қайта тиклаш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш мажбуриятини қабул қилиш шартли билан тижорат банкларига банкрот корхоналарни сотиш бўйича аукцион ҳамда танлов савдоларининг шартлари ва натижаларини тасдиқлаш;
      - банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича аукцион савдолари ўтказилишини ташкил этиш, танлов савдоларида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
      - тижорат банклари томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши, ушбу корхоналарнинг молиявий фаолияти соғломлаштирилиши ва кейинчалик уларнинг стратегик инвесторларга сотилиши устидан мониторинг натижаларини кўриб чиқиш;
      - тижорат банклари шартномада назарда тутилган муддатларда инвестициялар киритиши ва корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш бўйича қабул қилинган мажбуриятларини бажармаган тақдирда ушбу банк билан олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
    - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси Комиссиянинг ишчи органи этиб белгилансин.
  4. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:
    - аукцион ва танлов савдоларида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш Тартибини;
    - иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.
  - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Банклар уюшмаси, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда:
    - сотиб олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва сотиш борасида тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш;
    - лоийҳаларни инвестициялаш, инвестициявий кредитларни бериш ва хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи тижорат банкларининг таркибий бўлинулари оқори малакали мутахассислар билан тўлдириниш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқин ва тасдиқласин.
  - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 24 январда қабул қилинган ПФ-3202-сон Фармони 3-бандининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошилари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.
  - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда кўнун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
  - Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2008 йил 18 ноябрь

# АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН  
РУМИНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЛАЗАР  
КОМЭНСКУ РАҲБАРЛИГИДАГИ  
ДЕЛЕГАЦИЯ 18 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ  
ДИЛРОМ ТОШМУҲАМЕДОВА БИЛАН  
УЧРАШДИ.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Руминия ўртасидаги алоқалар бошқа йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Учрашувда парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунги Лазар Комэнску Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов билан учрашди. Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистонда нафақат савдо-иқтисодий, балки бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни кенг ривожлантириш учун қўлай шартно мавжуд эканлиги яна бир бор амин бўлди, — деди Лазар Комэнску. — Юртингизга ташрифдан мақсад сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

(ЎЗА)

## ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан 1998 йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилиниши натижасида бу ихтимой институтнинг ўрни ва роли янада мустаҳкамланди, ҳуқуқий-ташқилий асослари тақомиллашди.

Ўртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон манфаатлари, ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва тинчлик-ҳотиржамлигига қаратилган. Бу даргоҳда соғлом муҳит қарор топиши ёш авлоднинг ўсиб-ўлғайиши, келажақда ўз ўрнини топиши учун мустаҳкам замин бўлади. Ҳар бир инсоннинг оиладаги ҳаловати шу жамиятнинг барқарорлиги ва фаровонлиги омилдир.

Ёшларни ҳаётга тайёрлаш ва ёш оилаларга алоҳида гамхўрлик қўрсатиш борасида мамлакатимизда кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, давлатимизнинг «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш, рўзгорини бутлашга қўмақлаштириш борасида алоҳида гамхўрлиги тўғрисида миқдор ёш оилаларнинг ихтимой-маиший турмуш шартнолари яхшиланди. Ушбу дастур асосида маънавий бой ва жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаш борасида самарали чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Соғлом оилалар соғлом фарзанд дунёга келади. Буни ёшларимиз чуқурроқ англаб етаётгани бу борада олиб борилаётган ишларнинг самарасидир, — дейди Сергели тумани фуқаролик даллатномаларини қайд этиш бўлими мудири Арофат Рустамова. — Туманимизда йил бошидан буён 1100 дан кўпроқ янги оила қайд этилди. Ёшларимизда оила қуришга бўлган муносабат тубдан ўзгараётгани қувонарли ҳолдир. Илгари турмуш қураётган ёшлар тиббий кўриқдан ўтиш масаласига эътиборсизлик билан қараган бўлса, ҳозир шифокор кўриги мустаҳкам оила ва бахтли ҳаётнинг яна бир қафолати эканини яхши билишди. Оиланинг ҳуқуқий асослари Конституцияда ва Оила кодексидан мустаҳкамланган. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларга бу ҳуқуқларни тушунириш мақсадида маҳаллаларда, таълим даргоҳларида мунтазам семинарлар ўтказилмоқда.

Оилалардаги тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодини миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида маҳаллаларда фаолият қўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳаллачиларнинг ўрни катта бўлаётди.

Ёшларни юртимизда кечаятган ихтимой-иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлардан бохабар, миллий қадрият ва аъёнлар руҳида тарбиялаш мақсадида ёшлар, ёш оилалар ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб бормоқдамиз, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги Чақар маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳаллачиси Наима Насимжонова. — Турмушда учраб турадиган кўнгилсизликларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида оналар билан мунтазам суҳбатлар ўтказмоқдамиз. Бу эрхотин ўртасидаги келишмовчиликлар, яқин қариндошлар ўртасида оила қуриш ҳамда турли сабаблар билан ажраллилар сонининг йилдан-йилга камайишига хизмат қилаётди.

Ватанимизнинг келажаги, фарзандларимиз тарбия толаётган оила кўрғони ҳаммаимиз учун ҳам қадрили ва аъзидир. Шу маънода оилани мустаҳкамлаш ва асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Хусниддин БЕРДИЕВ,  
ЎЗА мухбири**

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистоннинг фикрича, Орол денгизининг тақдирини Марказий Осиё давлатларига минтақанинг иқлим ўзгариши оқибатида камайиб бораётган сув захираларидан оқилона фойдаланиш кераклигини эслатиб турувчи омил бўлиб қолди керак, — дейилди журналда. — Айни пайтда Айдар-Арасой кўллари тизимида ҳам мушкул экологик вазият юзага келган бўлиб, у ерда сув ҳажмининг камайиши ва шўрланиш даражасининг ошиши кузатишмоқда. Бунинг оқибатида Орол денгизининг қуриши билан тенг бўлган экологик инқироз юзага келиши ва у нафақат Ўзбекистон, балки қўшни республикаларга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиши мумкин».

Айнан мана шу мавзу Мисрда чоп этиладиган «Абул-авл ад-Давлия» газетаси саҳифаларида ҳам ёритилган. Бугунги кунда Марказий Осиёда сув танқислиги муаммоси мавжуд бўлиб, минтақани сув билан таъминлайдиган дарёлар — Амударё ва Сирдарёда кўп йиллардан буён оқаётган сув меъерининг бугунги кунда атиги 70 фоизи борлигини қайд этар экан, газета бундай ҳолат минтақа мамлакатларининг ичимлик ва ишлов ҳужалиги учун мўлжалланган сув билан таъминлашни борасидаги имкониятларига зарар етказиши

ни таъкидлайди.

«Ўзбекистон чегараларо оқиб ўтадиган дарёларнинг сувидан фойдаланиш, хусусан, гидроэлектростанция иншоотларини қуриш билан боғлиқ бўлган қарорлар атроф-муҳитга зарар етказмаслиги ва қўйи оқимда жойлашган қўшни давлатлар манфаатларини чеklang қўймаслиги».

Индонезияда нашр этиладиган «Friends of Indonesia» («Индонезия дўстлари») журналининг сўнгги сонидан ҳам Ўзбекистонга бағишланган мақола чоп этилди.

Унда Ўзбекистон ихтимой-иқтисодий ҳаётининг турли қирралари ёритилган бўлиб, мамлакатнинг мустақиллиги йилларидаги ривожланиши,

## ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ОСОЙИШТАЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ЎРНИ БЕКИЁСДИР. КАТТАЮ КИЧИКНИ МЕҲР-ОҚИБАТ, АХИЛЛИК ВА ҲАМЖИХАТЛИККА УНДОВЧИ БУ ҚУДРАТЛИ МАСКАНГА, ЯЪНИ МАҲАЛЛАЛАРГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЯНАДА КУЧАЙДИ.

### Фуқаролар йиғинларига сайлов муносиб номзод сайланди

Ҳаммамизга маълумки, айни кунларда бутун республикамиз каби пойтахтимиз маҳаллаларида ҳам фуқаролар йиғинларига сайловлар уюшқоқлик билан давом этмоқда. Жумладан, яқинда Собир Раҳимов туманидаги «Аллон» маҳалла фуқаролар йиғинига сайловлар ҳам фалоклик билан ўтди. Кун тартибидан иккита масала - фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўрин олди. Сайловда кўпчилик номидан овоз бериш ҳуқуқига эга 62 нафар вакилдан 58 таси иштирок этди, шунингдек маҳалла фаоллари ҳамда меҳмонлар қатнашди. Сайлов мажлисини ишчи гуруҳи раиси Абдулӣ Жўрабоев олиб борди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан маҳалла фаоли Ҳавонон Рихсиева сўзга чиқиб, фуқаролар йиғини раислигига тавсия этилган С.Болтабоев ва С.Ҳақимов ҳақида илиқ фикрларни билдирди. Уларнинг ҳар бири кўпчилик манфаатини ўйлайдиган, маҳалланинг

тинчлиги, осойишталиги, ободончилиги ҳақида қайғурадиган инсонлар эканлигини таъкидлаш билан бирга, хусусан, «Аллон» маҳалласида беш йилдан буён оқсоқоллик қилиб келаётган ва айни чоғда номзоди янги мuddатга кўрсатилган Сайфулла Болтабоевнинг ибратли ишларини алоҳида тилга олиб ўтди.

Сайловда тегишли қонунчилик тамомилларига кўра, ҳар иккала номзод овозга кўйилди. Саноқ комиссиясининг натижаларига асосан Сайфулла Болтабоев энг кўп овоз тўплаб, учинчи бор «Аллон» маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланди.

Шундан сўнг кун тартиби бўйича маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари сайланди. — Менга билдирилган юксак

ишонч учун маҳалладошларимга катта раҳмат, — деди Сайфулла Болтабоев. — Ўтган йиллар мобайнида маҳаллада нимаики иш амалга оширилган бўлса, бунда албатта фаоллар, маҳалладошларимизнинг биргаликдаги, баҳамжиҳатликдаги эзгу ва хайрли хизматлари беқиёс. Аҳиллик, тотувлик, бирдамликда гап кўп. Маҳаллада осойишталик бўлса, юртимизда тинчлик ва фаровонлик ҳужм суради. Келгусида менга билдирилган юксак ишончга жавобан маҳалламизни энг намонали ва обод масканга айлантиришга ҳаракат қиламан.

Янги мuddатга сайланган фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларига кўпчилик томонидан тақдир ва мулоҳазалар билдирилди.

**Дилором ИКРОМОВА**

### Тадбирлар

## ҲУҚУҚИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

**ЯНА САНОҚЛИ КУНЛАРДАН СЎНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 16 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНАДИ. ШУ БИЛАН БИР ҚАТОРДА РЕСПУБЛИКАМИЗ СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ЖАРАЁН — МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Шу муносабат билан шаҳримиздаги олий ҳамда ўрта махсус ўқув муассасалари, маҳаллаларда мазкур жараёнларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида тушунириш, бу борада ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлаштиш инобатга олингани ҳолда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб боришмоқда.

Ана шундай йиғилишлардан бири 1-Республика тиббиёт коллежиди «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан «Ёшлар йили» давлат дастурининг ихросини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорлигида «Конституция — асосий қонунимиз», «Маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида ёшларнинг иштироки» мавзуларида уюштирилган ушбу тадбирда турли йўналишдаги касб-хўнар коллежлари талабалари, ўқитувчи-мураббийлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни Маънавият тарғибот маркази Чилонзор тумани бўлими раҳбари Гулчехра Дўстметова кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг 1-республика тиббиёт коллежи Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Вазира Раҳмонова, Тошкент Давлат юридик институти талабалари — Жамшид Муҳамедов, Хуршид Маҳмудов, Умид Аминовлар сўзга чиқиб, истиқлол йилларида ҳуқуқий-маърифий саводхонликни юксалтириш борасида эришилган ютуқлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

— Биз тайёрлаб келган маърузаларни тенгдошларимизнинг шунчаки эшитишларининг тарафдори эмасмиз, — дейди Тошкент Давлат юридик институти талабаси Баҳромжон Илхомжон. — Балки ҳуқуқий соҳадаги янги билимларни ўргатиш, кези келганда улардан ҳам ўрганиш мақсадида.

Тадбир давомида ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботини кучайтириш ва ҳуқуқий фаолликни оширишга қаратилган фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Хидиртали ПАНЖИЕВ**

## ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ВА 2008 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН КУЧГА КИРГАН ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ МАМЛАКАТИМИЗ СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.**

Жаҳон таърибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ва тамойилларини ўрганиш асосида тайёрланган Солиқ кодексидида кўзда тутилган меъёр ва қоидалар, аввало, солиқ тизими ва солиққа доир муносабатларни унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодийотини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга қаратилган билан эътиборлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Янги солиқ кодекси — иқтисодий ислохотлар меваси» мавзуда ташкил этилган анжуманда шу ҳақда гап борди. Унда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидан икки мингта янги тадбир-

корлик субъектлари вакиллари, бухгалтерлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Париев бошқарган анжуманда янги Солиқ кодекси солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча меъёр ва қоидаларни муҷассамлаштирган ҳужжат сифатида амалиётда катта қулайликлар яратганини алоҳида таъкидлади. Унда солиқ солишининг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, ягоналиги тамойиллари билан бирга, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи киритилгани эътиборга лойиқ. Ушбу принципга асосан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида-

га қаратилган тақлифларни ўрганиб чиқмоқда. Янги Солиқ кодексини тарғиб этиш юзасидан жорий йилнинг ўн ойи давомида ўтказилган уч мингга яқин тадбирда 239 мингта яқин солиқ тўловчи иштирок этди. Солиқ қонунчилигида жорий этилган янгиликларнинг ҳужалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятига таъсирини ўрганиш мақсадида 23 мингга яқин йирик ҳужалик юритувчи субъектнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари ўртасида сўров ўтказилди.

Анжуманда иштирокчилар мавзу бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

**Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири**

жадал қилиб бормоқда, — дея таъкидланди мақолада.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши ҳам жўрнал эътиборидан четда қолмаган. «Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар иқтисодийотини ҳақда сўзга таъкид қилиш мумкин. — дейилди журналда.

Мақолада ўқувчилар эътиборига, шунингдек юртимиздаги таълим, соғлиқни сақлаш, соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлодини ўстириш борасида амалга оширилган ислохотлар ҳақидаги қизиқарли мақолалар ҳавола этилган.

Покистонда инглиз тилида чоп этилувчи «The Post» газетасида жорий йил октябр ойида Тошкентда бўлиб ўтган IV Халқаро пахта ярмаркасига бағишланган қатор мақолалар эълон қилинган.

«Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда етакчи ўринларни эгалламоқда» сар-

лаваҳали мақолада таъкидланганича, Ўзбекистон Республикаси Президентини Исроом Қаримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган пахта ярмаркаси ўзбек пахта толасини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ва ундун дунё бозорига оптимал тарзда етказиб беришнинг самардорлигини оширишга

йўналтирилган. «Ярмарка иштирокчилари сонини йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейилди мақолада. — Жумладан, 2005 йилда ушбу анжуманда 30 та мамлакатнинг 170 та компанияси вакиллари иштирок этган бўлса, бу йил унда дунёнинг 34 та давлатидан 300 та йирик фирма ва компанияларнинг 400 дан зиёд вакиллари қатнашди. Ярмарка иштирокчилари сарфида пахта толасининг энг йирик истеъмолчилари бўлган Хитой, Россия, Туркия, Хиндистон, Покистон вакиллари бор эди».

«Ўзбекистон еткази пахта бозорига айланмоқда» — «The Post» саҳифасида эълон қилинган яна бир мақола ана шундай номланган. «Ўзбеки-

стон пахтага жаҳон бозорини талаб катта, — деб ёзади нашр. Ўзбекистон пахта толасининг сифати энг юқори даражадаги дунё талабларига жавоб беради. Пахтанинг турли навларини яратиш билан шуғулланувчи олим ва генетиклар жаҳон бозорига сифатли ва хари-дорбоп маҳсулот етказиб берадиган Ўзбекистон имижини юқори даражада сақлаб туришига ўзининг муносиби хиссасини қўшмоқда».

«Ярмарка доирасида иштирокчилар пахта сотиб олишдан бошлаб энг охири манзилга етказиб беришгача бўлган босқичларни ўз ичига олган шартномаларни имзолади. Бугунги кунда Ўзбекистонда пахта харидори учун зарур бўлган барча хизмат турлари қўрсатилмоқда. Айнан шу мақсадда мамлакатда 22 та махсуслаштирилган пахта терминаллари фаолият қўрсатаётган бўлиб, уларнинг бештасида йирик микдордаги юк сақлаш омбори мавжуд. Уларда бир вақтнинг ўзига 400 минг тонна пахта сақлашни мумкин. Пахта хом ашёсини жаҳон бозорига етказиш инфрақурилишини тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон янада қулайроқ транспорт йўналишларини шакллантириш борасидаги ишларни давом эттирмоқда», — деб ёзади нашр.

**«Жаҳон» АА**

### Иқтисодиёт

## СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК МУЖАССАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунинг баробарида корхоналарда тайёрланаётган синтетик шпон, ламинатланган плита, елимли керамикали материаллар, турли ҳажмдаги ортопедик ва поралон тўшаклар, мебель матолари, фурнитуралари аввало сифати, шунингдек, кўркам ҳамда мустаҳкамлиги билан четкидан асло қолишмайди. Аҳир бежизга компания маҳсулотлари халқаро ISO 9001-2000 сифат сертификатини қўлга киритмаган-да.

Мамлакатимизда тадбиркорликка катта эътибор қаратилган бугунги кунда мебель ишлаб чиқариш ҳамда ёғочни қайта ишлаш соҳаси билан шуғулланаётган, маҳсулотлари хорижийлик билан бемалол рақобатлаша оладиган кичик корхоналар кўпайиб бормоқда. Ана шундай кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 450 дан ортиғига компания зарур бутловчи қисм ва бошқа хом ашёларни ўз вақтида етказиб бормоқда. Бу, албатта ана шундай тадбиркорлик субъектларида иш суръати ва маҳсулот сифати ортишида муҳим ҳисса бўлмоқда.

Харидорларга қулайликни кўзда тутган ҳолда компаниянинг пойтахтимиз ва юртимиз вилоятларида 11 та фирма дўкнolari фаолият қўрсатмоқда. Албатта, замонавий технология линияларини ишлаб чиқаришга жорий этаётган тадбиркорлар улар билан тиллаша оладиган кадрлар тайёрлашга, малакасини оширишга, ёшлар учун ишчи ўринлари яратишга эътибор билан ёндашмоқда. Ҳар йили ишлаб чиқилган дастурга кўра кадрлар ўқуви ташкил этилади, шунингдек, мутахассислар хорижий етакчи корхоналарига бориб таъриба алмашишмоқда.

Сирасини айтганда, «Файз»чилар ўз маҳсулотлари билан ободлик ва кўркамликка муносиб ҳисса қўшиб, файз улашар эканлар, бу билан иқтисодиёт раънақи, эл-юрт фаровонлиги, турмуш гузаллигида уллушари борлигидан фахрланишди. Эзгу ният йўлида изланишдан асло чарчашмайди. Негаки изланиш самараси ҳар қадамда яққол акс этиб турибди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: янги технологик линиялар билан маҳсулотларнинг ҳақиқий маддақдорига айланган. Хусанбой Аввалов олган сурат**

## ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**СИФАТНИ БОШ МЕЗОН ҲИСОБЛАБ  
МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ШУ АСОСДА  
ТАШКИЛ ЭТГАН КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ ВА  
ТАШҚИ БОЗОРДА ЎРИН ЭГЛАЛТАШ  
ИМКОНИЯТИ КўПАЙДИ, БУЮРТМАЧИЛАРИ  
САФИ ЭСА ОРТИБ БОРАВЕРАДИ.**

Пойтахтимизда мустақилликнинг илк йилларида фаолиятини бошлаган ва бугунги кунда маҳсулотлари бир неча баробарга ортган «ИСТ БАТТЕРФЛАЙ» Ўзбекистон-Хиндистон-Швейцария қўшма корхонаси маҳсулотлари сифати ҳам юқори бўлиб, улар сифат менежментини тизимнинг ISO 9001:2000 халқаро стандарт талабларига тўла жавоб беради.

Корхонада савдо, маиший, ошона ва рўзгор ашёлари тайёрланади. Уларни тайёрлашда замонавий дастгоҳлардан фойдаланган ҳолда зангламас металл — пўлат хом ашёси қўлланилади. Бозорни ўрганиш асосида корхона дизайнер мутахассислари томонидан шундай товарлар тайёрланмоқдаки, улар ҳар қандай харидорнинг дид ва талабига мослиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бўлса керак, корхонада тайёрланган хилма хил маҳсулотларга хориж давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Афғонистон, Туркменистон сингари давлатларга маҳсулот экспорт қилинмоқда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, қўшма корхона Марказий Осиёда зангламас металл хом ашёсидан экологик тоза ошона идишлари ва маиший оқшатиш корхоналари учун жиҳозлар тайёрловчи ягона корхоналардан саналади. Маҳсулот тайёрлашда ишлатилмайдиган хом ашё механик усулда қайта ишлангани боис ҳам алоҳида хисса билан эътиборлидир ва ушбу ялтироқлик 25 йилгача ўз қурилишини йўқотмайди. Яна корхонанинг бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган 80 хилга яқин маҳсулотлари шуниси билан афзалки, яхши ювлади, унда сақланган ва тайёрланган таомлар фойдали ҳамда таъм сифатини йўқотмайди.

Жорий йилда тадбиркорлар замонавий технологияларни қўллаган ҳолда янги чойнак, бир неча хил идиш-товоқ ҳамда мантиқасқон сингари маҳсулотлар тўпламини харидорларга тақдим этишди. Келгусида эса рақобатбардор маҳсулот турлари янада ортиб, экспорт ҳажминини кўпайтириш режалаштирилган.

## ТАННАРХИ АРЗОНЛАШАДИ

**СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ, ЧИДАМЛИ  
ҲАМДА МУСТАҲҚАМ САНТЕХНИКА БУЮМ ВА  
ЖИҲОЗЛАРИГА ҲАМИША ТАЛАБ КАТТА.**

Мамлакатимизда уй-жойлар ва бошқа бунёдкорлик иншоотлари қурилиши қўлама кенгайган, турмуш фаровонлигига алоҳида эътибор қаратилган, қўллаб-қўллаб объектлар замон талаби асосида қайта реконструкция қилинаётган бугунги кунда ана шундай сантехника ашёларининг ўз ўрни бор, албатта. Пойтахтимиздаги «PULS-BAH» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳам юртимизда қулай инвестицион муҳит ва хорижий сармоядорларга яратилган яхши имкониятлар самараси бўлиб, бу ерда асосан юқори сифатли хорижий ва импорт ўрнини босувчи маҳаллий хом ашёдан сантехника буюм ва жиҳозлари ишлаб чиқарилади.

Корхонада меҳнат қилаётган мутахассислар юқори маънавага эга бўлиб, улар хорижда таърибаларини оширишган. Шу боис ҳам жаҳон андозаларини даражасидаги маҳсулотлар тайёрлашга эришилмоқда. Энг муҳими эса импорт ўрнини босувчи корхона маҳсулотлари экологик тоза ва зарарсиз, кўп йиллаб хизмат қўрсатади, уларни ювиш воситалари билан тозалаш осон кечади.

Бугунги кунда мутахассислар сай-ҳаракатлари билан 40 дан зиёд маҳсулот турлари тайёрланмоқдаки, уларнинг дизайни замон талабига мос келади. Бунинг асосий боиси илгор технологиялардан самарали фойдаланилаётгани ҳамда ички, ташқи бозорни ўрганишга эътибор қаратилганлигидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тадбиркорлар кейинги пайтда сервис хизматини ҳам жорий этган бўлиб, хондонларга бориб сантехника жиҳозларини таъмирлаб ҳам беришмоқда. Келгусида эса маҳсулот турларини янада кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш кўзда тутилган.

**TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI AMOLOT**



Талаба деган улуг номга муносиб бўлиш, бу ёшларнинг ўзи учун ҳам, уларнинг меҳрибон ота-онаси учун ҳам ва айниқса унга ишонган она-Ватанининг фахри, ҳам олий бахт ҳисобланади. Зеро, шундай экан талаба деган улуг номга эришганим ва ҳозирги вақтгача иккинчи она масканим университетда камол топаётганим, ундаги барча имкониятлардан унумли фойдаланаётганим, биз ёшлар учун университет раҳбарияти томонидан яратилаётган барча шарт-шароитлардан фойдаланаётганимизнинг ўзини энг улуг бахт деб биламан. Мана бугун мен орзуларимнинг бирига эришдим. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг талабаси деган номга сазовор бўлдим. Бунга албатта осонлик билан эришмадим. Ўқидим, изландим, ўз

**ҲА, ҲАР ҒУДАК ДУНЁГА КЕЛИБ, ВОЯГА ЕТАДИКИ, БОҒЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ ОЛГАНДАН КЕЙИН УНДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШ ОРЗУСИ ШАКЛЛАНИБ БОРАДИ. АНА ШУ ОЛИЙ БАХТГА ЭРИШИШ УЧУН ЭСА ҲАР БИР ИНСОНДАН АЙНИҚСА, ЁШЛАРДАН ЖУДА КАТТА КУЧ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ. ҲОЛБУКИ, ЎҚИШГА КИРАМАН ДЕГАН ЁШЛАР ЁХУД АБИТУРИЕНТ ҚАНЧАЛИК ЭРТА ЎЗ УСТИДА ИШЛАСА, КЕЧА-КУНДУЗ ЎҚИБ ИЗЛАНСА, ТАЛАБА ДЕГАН НОМГА МУЯССАР БЎЛАДИ.**



**Талабалик — олтин даврим КЎТЎҒ БИДИМ ДАРҒОҲИ**

устимда тинмай ишладим ва ана шу меҳнатларим эвазига шу бахтга муяссар бўлдим. Аслида ҳар бир ёш авлод индустрият талабаси бўлдимки аввало, аёло ўқиши, ўзининг яхши томонлари билан бошқаларга намуна бўлиши ва ушбу даргоҳнинг ички қонун-қоидаларига риоя қилиши лозим. — Биз талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида университет раҳбарияти томонидан 50 нафардан ортиқ иқтидорли, билимга чанқоқ ва шу университетга фойда келтираман деган талабалар саралаб олинди, Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг «Истеъдод» жамғармасида ўқитилиб, барча талабаларни намунали сертификатлар билан тақдирлашди. Бундан ташқари университет қошида ташкил қилинган «Заковат» интеллектуал клубига аъзо бўлишимда менга яқиндан ёрдам берган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини айтиб ўтишим жоиз. Бундан ташқари талабалар ўртасида савол-жавоб тарикасида мусобақа ўтказганда голиб жамоаларни аниқлаш, уларни мукофотлаш борасида ҳамда бошқа турли танловларни ўтказиш ва унга бош-қош бўлишда, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни беқиёс-

дир. Бунинг учун биз талаба ёшлар ташкилотга миннатдорчилик билдиришимиз ва ҳамкорликда ишлашимиз даркор. Бундан ташқари иқтидорли талабалар учун барча имкониятлар очик. Айниқса, ҳозирги пайтда ижодкор ёшларнинг шеърларини тўплаб тўплам чиқариш ҳамда барча қизиқувчи, ижод қилувчи талабалар учун «Изланиш» номли китобнинг иккинчи нусхаси чиқиш арафасида. Бундан ташқари ҳар ойда бир марта деканимиз Иномжон Азимов ва маънавий-ахлоқий ишлар бўйича декан ўринбосари Саида Жамолова ташаббуслари билан факультетнинг барча талаба-

лари Ўзбек Миллий академик драма театрига ташириб буюриши ва у ердаги саҳна асарларидан баҳраман бўлиш имконияти одат тусига айланган. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг пурмазно бир фикрларини келтиришни жоиз деб биламан. Яъни, «Фарзандларимиз биздан кўра қўли, билими, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Бундай имкониятлардан фойдаланаётганимдан ва бизга қалб кўри билан таълим-тарбия ва қимматли маслаҳатлари, бор билимларини беминнат бериб келаётган устозларимизга катта миннатдорчилик билдираман. Амриддин ИКРОМОВ, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Ўзбек тили ва адабиёти факультети 2-курс талабаси

**Таълим ИЖОДИЙ МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА**

**РЕСПУБЛИКАМИЗ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ «ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЖОДИЙ МУҲИТНИ РИВОЖЛАТИРИШ ЎҚУВ ЙИЛИ» ШИОРИ ОСТИДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ана шу жараёнга йўғрилган чоратadbирлар дастурини тайёрлади. Ўқув йили давомида амалга оширилаётган энг муҳим тадбирлар мазкур дастурда ўз аксини топди. Билим ўноқларида «Кичик академия» ва «Ўғил болалар кенгаши»ни тузиш ҳам режалаштирилди. Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ижоди ҳамда изланишлари асосида «Мактаб тарихи» китоби ҳам яратилади. Илгор иш тахрибасига эга ижодкор ўқитувчиларнинг «Зиё Нет» тармоғида сайтларини жойлаштириш жараёнлари ҳам амалга оширилади.

**«ЭЗГУЛИК МАКТАБИ» ДАСТУРИ**

**«ЭЗГУЛИК МАКТАБИ» ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН ЮЗАГА КЕЛГАН БУ ЙЎРИҚНОМА АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАР ҲУҚУҚИЙ БИЛИМДОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ОИД ТУРЛИ МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустақкамлаш мақсадида уюштирилаётган давра суҳбатлари ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда. «Олмазор», «Бўстон», Лутфий, «Катта Дўмбиробод» каби маҳаллаларда эса «Саломатлик ва соғломлаштириш гигиенаси»га доир суҳбатларни ташкил этиш яхши аънамага айланган қолди. Ёшлар йили муносабати билан туман халқ таълими бўлими «Эзгулик мактаби» дастурини турли жамоат ташкилотларида ҳам жорий этишга киришди.

**ЗАМОН ТАЛАБИ АСОСИДА**

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИНИ БУТУНЛАЙ ЯНГИДАН ҚЎРИШГА КИРИШИЛДИ. 900 ЎРИНЛИ ЎҚУВ БИНОСИ ЎРНИГА 1200 ЎҚУВЧИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КОРПУС ҚАД РОСТЛАМОҚДА.**

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳали республикада 1200 ўринли коллежни бунёд этишга киришилмаган эди. Шу маънода ҳам мазкур ўқув даргоҳи ҳозирча ягона эканлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Замон талаби, чет эл андозаларига мос ҳолда фойдаланишга топширилаётган ушбу билим ўчоғида ўн хил йўналишда машғулотлар олиб бoрилади. Шунга яраша коллеж ўқув-машғулот хоналари, лабораториялар, замонавий жиҳозлар билан таъминланади.

**Тиббиёт ЯНГИ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ**

**РЕСПУБЛИКА ФИЗИОЛОГЛАР ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ КАФЕДРАЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИҚДА ҚАТОР ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ БОСМАГА ТАЙЁРЛАМОҚДА.**

Академиянинг нормал ва патологик физиология кафедрасида яратилган қатор ўқув адабиётлари ҳам шу алоқа махсули бўлди. «Нормал физиология» деб номланган дарсликдан республикадаги тиббиёт олий ўқув юр்தларида кенг фойдаланилмоқда.

**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА БАҒИШЛАНДИ**

**«ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ВА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ РИВОЖЛАТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ДЕГАН МАВЗУДА УЮШТИРИЛГАН АНЖУМАНДА КҮН ТАРТИБИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАТОР МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

Болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу тадбир доирасида инклюзив таълимнинг ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантиришда тутган ўрни ҳақида маърузалар тингланди. Жумладан, мазкур таълим буйича юзага келган қатор лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари белгилаб олинди. Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш буйича ишчи гуруҳлари ҳам тузилди.

Акбар АЛИЕВ

**Фахр БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ КАФОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАР ИСТЕЪДОДИНИ КАМОЛ ТОПИРИШ МАҚСАДИДА КЎПЛАБ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. УШБУ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ МОДДИЙ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШДАН ТОРТИБ, УЛАР ИСТЕЪДОДИНИ ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ РАҒБАТЛАТИРИШГАЧА БЎЛГАН ТАДБИРЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН, БУ БОРАДА ТУРЛИ ЖАМҒАРМА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАР ТУЗИЛДИ.**

Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» хайрия жамғармаси ҳам иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган Улуғбек номидаги Ўзбекистон Ёшлар жамғармаси, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва муаммолари билан шуғулланувчи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва хорижий мамлакатларда ўқитиш мақсадида тузилган «Умид» жамғармаси, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги миллий маънавиятни тиклашга қаратилган «Соғлом авлод» давлат дастури шулар жумласидандир.

Айниқса, Президентимиз томонидан 2008 йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан «Ёшлар йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши биз ёшларни бениҳоя қувонтириб юборди.

Ёшларга ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган ушбу дастурни синчиқлаб ўқиб чиқсак унда ёшларимизнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, узлуксиз таълим тизимидаги ихлоқотларни янада чуқурлаштириш, болалар ва ўсмирларни спортга жалб этиш, уларнинг маънавий тарбиясини кучайтириш, ёшларни гиёвандлик, ОИТС, кашандалик каби зарарли одатлардан муҳофаза қилиш масалаларига кенг эътибор қаратилганлигини кўрамыз.

Маърифатли жамиятда соғлом ақл-идрок, соғлом фикр ва адолат устуворлик қилади. Бундай жамият шуқуҳли ва файзли бўлади. Бундай жамиятни маърифатли, юсак маънавиятли ёшлар барпо этади.

Маънавий тарбия аввало оиладан бошланади. Оила мустақкам, тинч ва фаровон бўлса, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Соғлом онадан соғлом зурриёт дунёга келади. Биз келажак ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, аёлларга ғамхўрлик қилишимиз, улар учун муносиб турмуш тарзини яратишимиз, оилаларда тиббий маданиятни юксалтиришимиз лозим.

Биз ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиш йўлида эканмиз Президентимиз таъкидлаганларидек ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмастлигини ҳар биримиз ту-

шуниб етишимиз керак. Соғлом авлод деганда биз фақатгина жисмонан бақувват ёшларни эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук ёшларни тушунамыз.

«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!» деганимизда энг аввало ақлли, заковатли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ёшлар кўз ўнгимизда гавдаланади.

Бугунги кунда жажонга Ўзбекистонни машҳур қилаётган спортчи, билимли, санъаткор ёшларимиз сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ ўзларининг ким эканликларини, нималарга қодирликларини, ҳеч кимдан кам эмаслигини, ҳатто бошқалардан ҳам ортиқ эканлигини исботлашмоқда.

Немислар ишлаб чиқаришни механизациялаш, кам меҳнат сарф қилиб, қўп ва сифатли махсулот ишлаб чиқариш учун бор имкониятларини ишга соладилар. Фан-техника тараққиётини жаддалаштириш, саноятни олий малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Германияда техника университетлари сонини янада кўпайтириш дастури ишлаб чиқилган. Шу боис мамлакат тараққиёти тобора тезлашмоқда. Шунинг учун ҳам бугун улар билан яқин ҳамкорликда тажриба алмашиб иш олиб бормоқдамиз.

Чунки халқи маърифатли, ёшлари жаҳон илм-фани ва маданиятидан хабардор мамлакатнинг раванқига раванқ қўшилаверади. Шу боис мустақиллик йилларида мамлакатимизда илм-фани, университет олий таълимни ривожлантириш учун барча чора-тадбирлар кўрилди, хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий таълим соҳасида ҳамкорлик ўрнатилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак маънавият — улкан, беқиёс куч. У ёшларнинг ақлу заковатини чарқайтди, тафаккурини бойитди. Маънавияти бой киши мард ва матонатли бўлади, қийинчиликларни енгиб ўтади. Шундай экан ҳар биримиз маънаван ва руҳан тетик, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишга интилиб, бизга билдирилган юсак ишончини оқлайлик.

**Мухсин МҲМИНОВ,**  
**Тошкент молия институти солиқ ва сугурта иши факультети талабаси**

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВН ЕТУК ВА ҲАР ЖИҲАТДАН БАРКАМОЛ, ҲУҚУҚИЙ САВОДХОН, ЎЗ ВАТАНИГА САДОҚАТЛИ, МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АЪНАНАЛАРИМИЗНИ ҚАДРЛАЙДИГАН, ОИЛАНИНГ МУҚАДДАС МАСКАН ЭКАНЛИГИНИ ТУШУНАДИГАН ТАРЗДА ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

**2008— Ёшлар йили**

**«ҚОНУН ВА МАЪНАВИЯТ» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ**

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги Оила маросимлари марказида бўлиб ўтган, тумандаги 2-Тиббиёт, Алоқа, Республика рассомлик, 2-Юридик, Иқтисодиёт каби бир қатор касб-ҳунар коллежлари талабалари камраб олинган «Қонун ва маънавият» деб номланган навбатдаги ўқув машғулоти ҳам айнан ўқоридидаги мақсадларни қўлаб ўтказилганлиги билан эътиборга молиқдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики «Оила — муқаддас Ватан» дорилфунуни Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий маросимларни тартибга солиш ҳақидаги 1998 йил 28 октябрдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги қарорини бажариш юзасидан Республика Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 1998 йил 30 июлдаги буйруғига биноан ташкил топан бўлиб, Адлия вазирлиги ва республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлида тавсия этган «Оила дорилфунуни» махсус ўқув тарбиявий курс режаси асосида фаолият кўрсатиб келади. Шунингдек, ушбу дорилфунун Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман прокуратураси, республика ва туман «Оила» марказлари, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи каби бир қатор ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар билан биргаликда иш олиб боради.

— Асосий мақсадимиз ўсиб келаётган, оила қуриш оstonасида турган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш, аждодларимиз меросига ҳурмат, истиқлолга, юртига фидойиллик туйғуларини уйғотиш, ватанпарварлик ва миллий гурурни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама етук ота-оналарни тарбиялашга қаратилгандир, — дейди биз билан суҳбатда «Оила маросимлари маркази» директори Уктаможон Қодирова.

Энди бевосита бўлиб ўтган тадбирнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, унда Республика Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тамара Тиллаева «Қонун ва маънавият», Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пулатова республикамиз Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти, тумандаги 44-оилавий полиคลินิก шифокори Саноат Шукурова «Оилада тиббий маданиятни ошириш» мавзусида сўзга чиқиб ўқувчи-ёшлар эътиборини бугунги кунда долзарб бўлган масалаларга қаратишди.

Ўз навбатида тадбир қатнашчилари ҳам ўзларини қизиқтирган барча масалалар буйича мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитишди. — Биз «Оила муқаддас Ватан» ўқув машғулотларига қатнашиб келажакда ўзимиз учун гоёта керак бўладиган маслаҳат ва билимларни олмақдамиз, — дейди тадбир иштирокчиси, юридик коллеж талабаси Бахтиёр Ҳусанов. — Бугунги тадбир ҳам барча ёшларга маъқул бўлди деб ўйлайман, чунки айтиб ўтилган ҳар бир фикр ҳаётда тўғри йўлни танлашимизга албатта ёрдам беради.

Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар билан ўтган ушбу тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

**Тенгдошларинг ПАРВОЗИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ДОСТОН!**

**БУГУНГИ КУНДА ДАВЛАТИМИЗ ВА ШАХСАН ЮРТБОШИМИЗ БОШЧИЛИГИДА КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ БЎЛГАН ЁШ АВЛОДГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЮСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ТУФАЙЛИ ИСТЕЪДОДЛИ ВА КЕНГ ТАФАККУРЛИ ЁШЛАР САФИ КУНДАН КУНГА ОРТИБ БОРМОҚДА.**

Бугун сизга таништирмоқчи бўлганимиз Достон Музаффаров ҳам истеъдодли, тиришқоқлиги ва билимга чанқоқлиги билан тенгдошларига ўрناк бўлиб келаётган ёшлардан биридир.

1993 йилда таваллуд топан Достон жуда ёшлигидан адабиётга, китобларга меҳр қўйди, мактабда аёло ўқиши, намунали ҳулки билан тенгдошларига ибрат бўлди. Мактабдаги бирорта адабий кеча ёхуд тадбир ва учрашувлар унинг иштирокчиси ўтмас, миттигина юракдан чиққан шеърлари жарангласдан қолмас эди.

Достоннинг тинимсиз интилиши ва кизикишлари бесамар кетмади. Бугун у Тошкентдаги харбийлаштирилган 18-махсус мактабда таълим олмақда. Унинг кизикиш доираси кенг, фикрлари равон, сўзлари дадил. Ушбу фикримизни шеър оламидан ўз ўрнини топиш учун интилаётган митти бир ниҳол, «Келажак овози» танловининг Тошкент шаҳар бошқиси голиби Достон Музаффаровнинг яқиндагина чоп этилиб, ўз ўқувчиларини топишга улгурган «Ифтихор» деб номланган китобчаси мисолида ҳам келтириб исботлашимиз мумкин. Ушбу китоб-

чадан ёш иқтидор соҳибининг дунё, гўзаллик, она Ватан, ота-она, дўсту тенгдошларига бўлган қайноқ меҳри ва орзу ниятлари ифодаланган шеърлари ўрин олган. Биз мустақил Ўзбекистонимиз, келажакги порлоқ бўлган юртига муносиб фарзанд бўлишга интилаётган истеъдодли ва иқтидорли Достон Музаффаровга парвозинг янада баланд ва йўлларинг хамиша порлоқ бўлсин деб ният билдириб қоламиз.

**Шаҳноза ЮСУПОВА**  
Қуйида унинг «Ифтихор» китобчасидан жой олган шеърларидан намуналар ўқийсиз.

**ТЕНГДОШЛАРИМГА**

Ватан бизга ишонар бугун,  
Келажак бугун — биз ёшлар.  
Юртини гуллаб яшатуви ҳам,  
Биз ўзимиз ўсимир қўбшлар.

Келинг, қўлни қўлга берайлик,  
Юрт номини саклайлик азиз.  
Гуллаб яшар шу азиз гўша,  
Доим унга содиқ бўлсак биз.

Фанимларга асло йўл бермай,  
Иволарга қўйайлик биз чек.  
Ватанимиз гўзал бир чаман,  
Халқнинг эрур ниятлари нек.

**КИТОБ**  
Китобларнинг олами гўзал,  
Ҳар бирида улуг ҳикмат бор.  
Меҳр қўйса кимдир китобга,  
Эзгуликлар бўлар унга ёр.

Мен китобнинг шайдосидирман,  
Ҳар сатридан топаман маъно.  
Китобга дўст тутилган киши,  
Бўлар албат билимли, доно.

ОЗ-ОЗ УЎТГАНИД ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ ХИКМАТЛАР

“Баҳористон” дан

(Шоислом Шомухаммедов таржимаси)

Нодон ахволин тушунгай беакдан бошқа ким, Гар Ибн Синоча бўлган чоғда ҳам илм дониши. Таъна қилма кўзи кўрни, эй очик кўзман деган, Ўзгаларни кўрмаса ҳам кўргай ул кўр ўз ишин.

Умринг ҳосили гар ҳеч нарса бўлса, Бошқалар ишини санаб толасан. Бошқалар умрини этасан ҳисоб, Ўз умринг ҳам ўтар билмай қоласан.

Фаним таъна қилган айбдан кутулиб, Покиза ўтирсанг нечоғлик яхши. Яна ҳам яхшироқ сенинг нуқсонинг, Душманингга ўтса бўлиб дил нақши.

Йўқолган нарса гар кичик бўлса-да, Ҳеч деманг, “қидирма, борми қиймати?” Заршунос кишилар билади буни, Топганингдан ортиқ топмоқ лаззати.

Ёмон золим киши ҳар кез соқар юз ҳийлаю найранг, Унинг хулқи билан фитнес-аламга тўлғуси олам. Улим гирдобига шўнғиб йўқолса ном-нишонсиз у Ўзин ҳам қутқарар бадхулқидан, барча элни ҳам.

Олчоқ разил қорин тўйган чоқ, Олчоқлиги бўлур дадилроқ.

Ҳирсу пастлик келтирар бошларга ташвиш доимо, Ким қаноат аҳлидур хуррам дилу хуррам ҳаёт. Билмагай бош оғригин, роҳатдадир қонёе киши, Кимни ҳирси бўлди ортиқ топмагай боши нажот.

Душманга кўрсатил дўстликни, ҳаргиз Адоват тигидан тилинмас пўстинг. Адоват кўрсатма дўстларга асло, Аламиндан душман бўлмасин дўстинг.

Нокаснинг дарёдек мавжини кутмак, Дарё гирдобиди сузмак демакдир. Душманга бўйин эгмак молу мансаб деб, Асли жондан умид узмак демакдир.

Яхши агар кўркса ёмон одамдан, Жон эмас, обрўсин ўйлар ул замон. Кул устига оёк қўймаган одам, Билурки, остида оташи пинҳон.

Бўлма ҳамсуҳбат сенга бир бўлмас эрса гавҳари, Гавҳари бир бўлмаса, суҳбат ёпишмас сар-сари. Жинс тортар жинсига, нокас қўшилганда кўринг, Мисли ёғу сув бўлур, бўлмайди сутга шаққари.

Агар тулки бўлса шер тўқайдида Бўри чангалидан топади омон. Кичиклар зулмидан қутулмоқ учун Катта хузурга интилар инсон.

Кимнинг қалб дилига кирди қаноат, Хирс билан тамадан қутулди бори. Қаноат гилами тўшалган ерда Синди очкўзлиги тама бозори.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



ШАҲРИМИЗДАГИ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА «МЕН ДУНЁНИ ЧИЗАМАН» НОМЛИ БОЛАЛАР СУРАТЛАРИНИНГ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.



АҲОЛИ МУҲОФАЗАСИ ЭЪТИБОРДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИДА «ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, СОДИР БЎЛГАНДА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ВАЗИРЛИК ҚУТҚАРУВЧИЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ» МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирда вазирилик томонидан жорий йилда амалга оширилган сай-ҳаракатлар, соҳа ходимларининг фаолиятлари хусусида батафсил маълумот берилди.

Айтиш жоизки, вазирилик ўз ҳудудий ва таркибий тузилмаларига эга бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардаги Фавқулодда вазиятлар бирлашмалари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича вазириликнинг Фуқаро муҳофазаси институти фаолият олиб бормоқда. Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази, Тез ҳаракат қилиш махсус отряди, “Резак”, “Қамчик” каби кидирув-қутқарув отрядлари эса ҳамюртларимизга ҳар қандай вазият ва ҳолатларда ўзининг беминнат ёрдами билан хизмат қилаётир.

—Вазирилик қошидаги Қутқарувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази қутқарувчиларни доимий равишда ўқитиб, назарий ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаб бораётир, — дейди Фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари, подполковник Ҳ.Абдулазизов. — Мазкур матбуот анжуманини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад тизимда олиб борилаётган ишлардан аҳолини оммавий ахборот воситалари ёрдамида хабардор этиш, аҳолини янада эътиборлироқ бўлишга чақиришдан иборат. ОАВ вакиллари билан ҳамкорликда жойларда тарғибот-ташвиҳот ишларини кенг кўламада ўтказасан, унинг самараси қутулганликдек бўлиши шубҳасиз.

Тадбирда таъкидланишича, ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқармалари таркибидаги Авария-қутқарув

отрядлари вилоят, шаҳар ва туман ҳудудларида юзага келган авариялар, ҳалокатлар, бошқа табиий ва техноген тусдаги Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда вазириликнинг асосий куч ва воситалари этиб келгунга қадар, бирламчи қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ўтказиши.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволлари билан соҳа мутахассисларига мурожаат этди. Шунингдек, журналистлар тадбир доирасида қутқарувчиларнинг фавқулодда ҳолатларда фойдаланадиган асбоб-анжомларидан иборат кўргазма билан танишиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, “Туркистон-пресс”

Кўргазмалар

«МЕН ДУНЁНИ ЧИЗАМАН»

SOS болалар маҳалласи, «Меҳр таянчи» болалар маркази ва 31-Меҳрибонлик уйи болажонлари ўз ижод намуналари билан иштирок этаётган мазкур кўргазмани уюштиришдан мақсад ҳам санъат орқали болалар ички дунёсини очиш ва уларнинг иқтидорларини ривожлантиришга кўмаклашиш, шу билан бирга кенг жамоатчилик эътиборини болаларнинг ички имкониятларига қаратиш эди. Шундай қилиб, бир неча ойлик заҳматли меҳнат натижалари кўргазма давомида мутахассис ва муҳлислар эътиборига ҳавола этилди.

Кўргазма билан танишар эканмиз миниатюра услубида ишланган Евгений Поповнинг «Менинг орзумдаги шаҳар», Виктор Аксеновнинг «Шарқ эртақлари» расмлари, шунингдек, пластилдан ўйма нақш усулида ишланган «Кувноқ қўшиқ» тасвири ўзига хослиги билан алоҳида та-

ассурот қолдирди. Виктория Митина эса ўзи ва онасининг суратини қойиллатиб чизибди. Ушбу ёш ижодкорларнинг барчаси Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бўлиб, улар билан тажрибали руҳшунослар Оксана Жильцова, Ирина Пономарёва ҳамда мусаввир Омон Оқилбоевлар мунтазам иш олиб борадилар. Кўргазмадан ўрин олган бошқа муассасалар вакиллариининг ижодида ўзига хос чизгилар мавжудлигини кўра-миз.

Уйлаймизки, тажрибали педагог ва руҳшуносларнинг сай-ҳаракатлари ўз самарасини бериб, келгусида ушбу болажонлардан етук ижодкорлар етишиб чиқади.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: болалар ижоди кўргазмасидан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

Спорт янгиликлари

ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНДИ

ЎН ТЎҚҚИЗ ЁШГАЧА БЎЛГАН ФУТБОЛЧИЛАРДАН ИБОРАТ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЎТКАЗИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИБ, МУСОБАҚАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНАСИННИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

Ана шундай юксак натижага эришган спортчиларимиз Тошкент халқроқ аэропортида муносиб кутиб олинди.

Мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси қарийб икки ҳафта мобайнида миллионлаб ишқибозларнинг диққат эътиборини Саудия Арабистони яшил майдонларига қаратди. Гуруҳдаги Йордания ва Таиланд доғда қолдирилди. Ўта жиддий рақиб деб келинган Австралия термаси тасодиф сабаб мағлубиятдан қутулиб қолди. Чорак финал баҳсида Хитой билан ўтган ўйиндаги ажойиб ғалабани муҳлислар кўз ёши билан кутиб олинган бўлишса ажаб эмас. 1994 йилдан буён ҳеч бир жамоамиз амалга ошира олмаган вазифа, яъни Жанубий Корея термасини енгишни ҳам айнан Аҳмад Убайдуллоев шогирдлари урдалади.

Фарзандлари, яқинлари шогирдларининг ютуғидан боши осмонга етган ота-оналар, устоз-мураббийлар, ишқибозлар Осийё чемпионатининг кумуш медали соҳибдорларини катта тантана билан кутиб олдилар. Аслида ҳам бу йигитларнинг эришган натижаси таҳсинга лойиқ. Шиддатли ва ҳужумкор ўйин, ғалаба сари катта иштиёқ, юксак ирода, метин бардош ва энг асосийси қалбида жўш уриб турган Ватан туйғуси!

Бу фидойи йигитларимизни олдинда яна муҳим учрашувлар кутмоқда. 2009 йил улар Мисрда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли термалари қатори майдонга чиқадилар. Ёшларимизнинг зафарли одимлари олис Африкада ҳам давом этишига умид боғлаб қоламиз.

ТУРКИЯДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

ТУРКИЯНИНГ ИСТАМБУЛ ШАҲРИДА ЎЗБЕК КУРАШИ БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ БЕШИНЧИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Икки кун давом этган баҳсларда элликча яқин давлатлардан келган икки юз нафар спортчилар голиблик учун кураш олиб борди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бу мусобақада муваффақиятли иштирок этди. Мусобақада яқиндагина Кураш Халқроқ Ассоциациясига қабул қилинган Америка Қўшма Штатлари, Германия ва Ливия давлати спортчилари илк бор иштирок этди. Жаҳон чемпионатининг олтин медалларини Ўзбекистон, Монголия, Жанубий Африка Республикаси, Исроил, Грузия, Янги Зеландия, Арманистон ҳамда Туркия вакиллари қўлга киритишди. Ўзбекистон шара-

фини ҳимоя қилган спортчиларимиз эса учта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритиб чемпионатда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Рустам ХАЙДАРОВ, “Туркистон-пресс”

«БУНЁДКОР» —

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ

МАМЛАКАТ XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 28-ТУР УЧРАШУВЛАРИДАН КЕЙИН ЧЕМПИОН ВА СОВРИНОР ЖАМОАЛАР НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ.

Шу кунгача миллий чемпионат ўйинларида бирор марта мағлубият аламини тоғиб кўрмаган, сермазун ўйинлари билан ўз муҳлисларини қувонтирган, бразилиялик мутахассис Зико бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоаси ушбу турда ўз майдонида «Анджон» командаси билан куч сынашиб, Жепаров, Солиев томонидан киритилган голлар эвазига навбатдаги 2:0 ҳисобидаги ғалабага эришди ва қолган икки тур ўйинлари натижалари қандай тугашдан қатъи назар ўз тарихида илк марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

Биз кўп минг сонли муҳлислар номида «Бунёдкор» жамоасини чемпионлик билан муборакбод этамиз.

Турнир жадвалида «Бунёдкор»ни измаиз таъкиб қилиб келган «Пахтакор» жамоаси ҳам сафарда Самарқанднинг «Динамо» клуби устидан 3:1 ҳисобида ғалабага эришди, кумуш медаллар эгасига айланган бўлса, Андижонда олий лиганинг янги вакили «ЎзДонЖу» билан 1:1 ҳисобидаги дуранга «Имзо» чеккан Фарғонанинг «Нефтич» командасига учинчи ўрин насиб этди.

Ушбу турнир қолган беллашувлари қуйидагича якунланди: «Шўртан» — «Насаф» — 3:2, «Локомотив» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Навбахор» — «Қизилқум» — 1:1, «Металлург» — «ОТМК» — 1:1, «Машъал» — «Бухоро» — 2:0.

Мамлакат XVII миллий чемпионатининг 29-тур баҳслари 23 ноябрда бўлиб ўтади.

ГРОССМЕЙСТЕРЛАРИМИЗ — ДРЕЗДЕНДА

GERMANYNINГ ДРЕЗДЕН ШАҲРИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ОЛИМПИАДА МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ.

Ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов етакчилигида Алексей Барсов, Шурхат Сафиндан иборат Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳимоя қилишмоқда.

Шуниси қувонарлики, шахмат Олимпиадасининг дастлабки турида ҳамюртларимиз Индонезиялик «ақл гимнастикаси» усталари билан беллашиб, 2,5:1,5 ҳисобидаги ғалабани қўлга киритишди.

Шахмат Олимпиадасида иштирок этаётган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзолари эса биринчи турда руминиялик рақибларига 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйишди.

(Ўз муҳбиримиз)

Сўраг, жавоб берамиз

ЛИМОНДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Микротўлқинли печларни ичидан ювиш қийин, бошқа электр асбобларни тозалашда ҳам шундай мураккаблиқларга дуч келамиз. Бунинг осонроқ йўли борми?

Хосиятхон Муҳамедова, Бектемир тумани.

Электр асбоблари билан савдо қилувчи “Электр-ҳўжалик моллари” савдо мажмуи менежери Раимбек Қосимов жавоб беради:

— Ҳақиқатан ҳам юқоридаги печларда ёғ доғларини ювиш воситалари билан кетказиш анча мушкул. Уларни йўқотиш учун печь ичига уни энг кам қувват билан ишга тушириб, яримта лимон шарбати қуйилган пиблани 5-7 дақиқага қўйиб қўйинг. Лимон буғларидан ёғлар юмшаб, уларни нам латта билан осонгина артиб олиш мумкин бўлади.

Лимоннинг қолган ярми шарбатидан электр чоинак, масалан, тефалда пайдо бўлган қасмоқни йўқотишда фойдаланиш мумкин. Унинг ичига сув қуйиб, яримта лимонни эзиб, шарбатини солинг. Кейин сувни қайнатиб, чойнакни тоқдан олгандан кейин шундайича 40 дақиқаларга қолдиринг. Шундан кейин

уни ювсангиз қасмоқ йўқолади. Агар бир мартада бунинг илжои бўлмаса, иккинчи марта шундай қилсангиз, албатта кутган натижангизга эришасиз. Ҳам тоза, экология қондаси ҳам бажарилган бўлади!

СПОРТ ЮЛДУЗИ — ЯНГИ СЕРИАЛДА

Яқинда “Биллур музлик — 2008” турнирида “Халқ муҳаббати” номинациясида томошабинлар севгиси махсус совринига сазовор бўлган фигурали учуши устаси Алексей Ягудин катта кино сериалда қатнашаётганини эшитдим. Шу ростми?

Эркин Саломов, Мирзо Улугбек тумани.

www.mimov.ru интернет сайти маълум қилишича, ҳақиқатан ҳам машҳур фигурачи Алексей Ягудин иштирокида суратга олинган “Менинг қизим, жўшқин музларим” деб номланган юза сериали сериал яқинда намойиш этила бошлайди. Фильмда Ягудин Роман Козирёв исмли спортчи роллада қатнашади.

Сериалда бир қизик лавҳа бўлиб, Ягудин қаҳрамони: “Мана мен ҳам ритбергер сакрашини Ягудиндай бажаряпман, шунақа фигурачини сен ҳам эспайсанми?” деб сўрайди. Ҳозирда ҳамма такрорлаётган ушбу жумла қандай пайдо бўлгани, уни Алексейнинг ўзи ўйлаб чиқармагани, деган саволга у шундай жавоб берди:

— Йўқ, мен ўйлаб чиқарганим йўқ, у сценарийда ёзуғлик эди. Менинг номимдан фойдаланишга изн сўрашганда, мен рози бўдим. Менимча, қизиқarli чикқан...

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2008 йил 23 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ С.Раҳимов туман судининг 05.11.2007 йилдаги 1-665/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шайхонтоҳур тумани «Жарарик» жарима майдончасида сақланаётган, «BMW-320» русумли, д/р Х 3200NM бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 21 942 640 сўм.

2. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ М.Улугбек туманлараро судининг 05.09.2008 йилдаги 1-5844/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, майдони 44.78 кв.м бўлган, икки хонадан иборат, М.Улугбек тумани, Қорасув-1, 27-уйдаги, 63-хонадон. Бошланғич баҳоси — 14 500 000 сўм. Шунингдек 2008 йил 9 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг 24.12.2007 йилдаги 1-760/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБга

қарашли 8-сонли жарима майдончасида сақланаётган, «Фольсваген Ветли» русумли, д/р 30Q1979 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Жорий бошланғич баҳоси — 25 777 950 сўм.

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилганда закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатидида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ураб-боев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Ёлонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г- 1006